

ЁШЛАРГА ЕР АЖРАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5 апрелдаги
ПҚ-153 сонли Қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ;

- туман ҳокимликлари захирасидаги **60 минг гектар** ер майдони электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун устувор равишда ёшларга ижарага берилади ҳамда **қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача** бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим жорий этилади,

- ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари **“Е-аукцион” электрон савдо платформаси** орқали **“маҳалла еттилиги”** нинг тавсияси билан шакллантириладиган рўйхатга киритилган ёшлар ўртасида ўтказилади,

- ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига ер участкаси нархини **10 йил муддатга тенг улушларда фоиизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;**

-закалат пули базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 баравари миқдорида белгиланади;**

-сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришга суғориладиган экин майдонлари;

боғдорчилик-узумчилик йўналишлари учун кўп йиллик дарахтзорлар ёки самарасиз боғлар ер майдонлари;

доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачилик йўналишлари учун чорва озуқаси экинларини етиштиришга мўлжалланган, лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонлари **30 йил муддатгача** кичик лотларда **“бир массив - бир маҳсулот”** тамойили асосида ижарага берилади.

Бунда, электрон онлайн аукцион савдоларида 1 нафар талабгор иштирок этган

тақдирда, истисно тариқасида, аукцион ўтказилган ҳисобланади ҳамда ушбу имтиёзли шартлар асосида ўтказиладиган аукцион савдоларида ёшларга ер майдонини **фақат бир мартаба** ижарага олишга рухсат берилади.

“Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш”

АЖ Сурхондарё вилояти вакили

Л.Ғоибов